

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 19 АВГУСТ, СЕШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 160 (11.221)

Баҳоси эркин нархда

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Астробод» маҳалла гузариди туман ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйи уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига янги техника жиҳозлари келтирилди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 257-мактабда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан мактаблар ўқитувчилари иштирокида ўтказилган анъанавий Август кенгаши «Мактаб бошқарувини режалаштириш ва таълим жараёнида назоратни кучайтириш» деб номланди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номи маданият уйида уй ҳамшираси курси қатнашчилари иштирокида «Очиқ дарс» тадбири ўтказилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ўқув курслари ва тўғарақлар аъзолари Ўзбекистон тарихи Давлат музейига экскурсия қилишди.

● **ФАФУР** Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида марҳум санъаткор Охунжон Мадалиев хотирасига бағишлаб ўтказилган кечада санъаткорлар, бастакорлар ва хонанданинг оила аъзолари, шогирдлари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

17 йил МУСТАҚИЛЛИК

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир



ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: ИСТИҚБОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

МУСТАҚИЛЛИК ҚУЁШИ ЗАМИНИМИЗ УЗРА ПОРЛОҚ НУРЛАРИНИ СОЧИБ, ЮРТИМИЗГА БЕКИЁС ДАРАЖАДА ЎЗГАЧА ЧИРОЙ, КЎРКАМЛИК БАҲШ ЭТМОҚДА. ОЗОДЛИК ҚУЁШИДАН БАҲРА ОЛАётган МАМЛАКАТИМИЗ, ЖУМЛАДАН ПОЙТАХТИМИЗ ЙИЛ САЙИН ЯШНАБ-ЯШАРИБ БОРМОҚДА. АЙНИҚСА МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА КАТТА БУНЁДКОРЛИК, ОБОДОНЧИЛИК, ҚАЙТА ҚУРИШ ИШЛАРИ КЕНГ АВЖ ОЛИШИ, БУ МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚБОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАётганидан ЁРҚИН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

Пойтахтимиз туманлари орасида ҳамisha яшнаб-яшариб, йил сайин обод бўлиб бораётган Яккасарой туманида ҳам Энг улуг ва энг азиз байрамимизни каттаю кичик барча соҳаларда меҳнатдаги муносиб ютуқлари билан кутиб олиш иштиёқидалар. Тумanning қайси бир гушасига борманг, бунёдкорлик, ободончилик ишларига кўзлангиз тушади. Умумий майдони 1,46 минг гектарни ташкил этган туманда 114,7 минг нафар кўп миллатли аҳоли мавжуд 18 та маҳаллада тинч ва тотуликда истиқомат қилмоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, туманда кейинги йилларда барча соҳаларда юксалишлар, улкан ютуқларга эришилмоқда. Иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ижобий сифат сиғишларига эришилди. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўсиш 2008 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 159,3 фоизни ташкил этмоқда, яъни жорий йилда 75232,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари жорий йил биринчи ярим йилликда 15378,4 миллион сўмни ташкил этиб, олдинги йилнинг мос даврига нисбатан 110,3 фоизга тенг бўлди. Шу билан бирга туман корхоналари томонидан тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича ўтган йилга нисбатан жорий йилда ижобий кўрсаткичларга эришилди. 2007 йил биринчи

ярим йилликда 710 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йил мос даврида бу кўрсаткич 827,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди ва ўсиш суръати 116,6 фоизга етди. Мазкур кўрсаткичнинг асосий қисми тумандаги «Узтрансгаз» корхонаси ҳиссасига тўғри келди. Айтиш жоизки, туманга жами манбалар бўйича 129,7 миллиард сўм миқдорда асосий капиталга инвестициялар амалга оширилди. Бу эса ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 278,3 фоизни ташкил этди.

Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2007 йил биринчи ярим йилликда 12,3 миллиард сўм миқдорда инвестициялар киритилган бўлса, жорий йил мос даврида ушбу кўрсаткич 28,9 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, хорижий инвестициялар 111,1 миллиард сўм миқдорни ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг шундай миқдорга нисбатан 719,3 фоиздан иборат бўлди. Бунга асосий омил бўлиб «Коском» хорижий корхонаси ҳисобланади. Ушбу корхона томонидан жорий йил биринчи ярим йилликда 106,4 миллиард сўм миқдорда инвестиция киритилди.

Айтиш жоизки, туманда жорий йилнинг олти ойи давомида аҳолини ижтимоий муҳофизат қилиш, улarga етарли шароитлар яратиш, турмуш даражасини яхшилаш, ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлиги ва жисмонан етуқлиги борасида амалдаги қонун ва қарорлар, Давлат дастурларида белгиланган вази-

фалар ижроси режа'асосида бир қатор ташкилотлар, жамғармалар билан ҳамкорликда олиб боришмоқда. Туман бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазибаларни бажаришда режага асосан йил бошидан аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш жойларини яратиш, ишсиз аҳолини қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш, меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, туман меҳнат бўлимининг йўлнамаси билан олти ой давомида ишга жойлаштирилганлар сони 899 нафар фуқарони ташкил қилди. Шундан 548 нафари ёшлар, 239 нафари аёллардир. Банд бўлмаган аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида олти ой мобайнида 3647 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Шундан ёшлар учун 2160 та янги иш жойлари ажратилган. Йил бошидан эса 117 та корхонада 469 та касаначилик иш ўринлари яратилди.

Халқ фаровонлиги, юртимиз тараққиёти ва истиқболи йўлида дадил одимлаётган Яккасарой тумани аҳолиси айна кунларда яқинлашиб келаётган Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — МуСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 йиллигини кутарини руҳда кутиб олиш мақсадида яратиш, яшатиш, ободонлаштириш ишларини кенг авж олдирилганлар. (Яккасарой туманига бағишланган саҳифа материалларини газетанинг 2-бетига ўқийсиз).

ЕКАТЕРИНАНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

ХИТОЙ ПОЙТАХТИДА ДАВОМ ЭТАётган XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ВАКИЛАСИ ЕКАТЕРИНА МАМЛАКАТИМИЗ ВАКИЛАСИ ЕКАТЕРИНА ХИТОЙ ПОЙТАХТИДА ДАВОМ ЭТАётган XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ВАКИЛАСИ ЕКАТЕРИНА ХИТОЙ ПОЙТАХТИДА ДАВОМ ЭТАётган XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ВАКИЛАСИ ЕКАТЕРИНА

1982 йилда туғилган маҳоратли спортчимиз Жаҳон кубоги ва Осий ўйинлари совриндоридир. Шундай қилиб, юртимиз атлетлари Олимпиада ўйинларида кўлга киритган медаллар сони учтага етди. Эслатиб ўтамиз, бунгага дзюдочиларимиздан Абдулла Тангриев кумуш, Ришод Собиров бронза медалга сазовор бўлган эди.



ВАДИМ МЕНЬКОВ — ФИНАЛДА

ХИТОЙ ПОЙТАХТИДА ДАВОМ ЭТАётган XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИДА БАЙДАРКА ВА КАНОЗДА ЭШКАК ЭШИШ БЎЙИЧА БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ. ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА 1000 МЕТРГА КАНОЗДА ЭШКАК ЭШИШ БЎЙИЧА МУСОБАҚА ОСИЙ УЙИНЛАРИ ҚОЛИБИ ВА ҚИТГА ЧЕМПИОНИ ВАДИМ МЕНЬКОВ УЧУН ОМАДЛИ ЯҚУНЛАНДИ. Иккинчи гуруҳ баҳсида катнашган муҳир спортчимиз бир километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди ва мазкур гуруҳдан финалда иштирок этиш ҳуқуқини берадиган ягона йўлланмани кўлга киритди. Финал беллашувлари 22 августта белгиланган. Зоҳир ТОШУХЖАЕВ, ЎЗА махсус мухбири, Пекин.

ЎЖАТ ИМЗОЛАНДИ

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ РАҲБАРИ ЛАРС ТУНЕЛЛ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 18 АВГУСТ КУНИ «ЎЗБЕК ЛИЗИНГ ИНТЕРНЭШНЛ АЖ» ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ ЗАФАР МУСТАФОЕВ БИЛАН УЧРАШДИ.

вожланиш босқичлари билан яқиндан танишдилар. Халқаро молия корпорацияси ривожланаётган мамлакатларда молиявий институтларни қўллаб-қувватлаш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда лизинг хизматининг аҳамияти катта. Бунда халқаро молия ташкилотлари билан ўрнатилган ҳамкорлик муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Учрашувда меҳмонлар юртимизда лизинг тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва қўлланилаётган янгилар, ри-

лар яратилгани диққатга сазовор. Келгусида йирик қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш ниятдамиз. Учрашув якунида «Ўзбек лизинг интернэшил АЖ» халқаро лизинг компанияси билан Халқаро молия корпорацияси ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга молиявий ёрдам кўрсатиш учун уч миллион АҚШ доллари миқдорда кредит ажратишни назарда тутди. Делегация аъзолари қатор вазирилк ва идораларда ҳам музокаралар ўтказди. Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири

ЖАНУБИЙ ОСЕТИЯ УЧУН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов мамлакатимиз ҳукуматиغا Жанубий Осетиядаги ҳарбий моҳжаро оқибатида жабрланган аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 250 минг АҚШ доллари ажратишни топширди. Турли қурилиш материаллари, жумладан, цемент, шунингдек, озиқ-овқат, дори-дармон, кўрпа-тўшак ҳамда энг зарур товарлардан иборат инсонпарварлик юкини етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига топширилди. (ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози» кўрик-танловининг Тошкент, Хоразм, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари босқичи якунланди.

● Тошкентда Ўзбекистон МуСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 йиллигига бағишланган «Истиқлолнинг ёш ижодкорлари: эфирда ёшлар ҳаёти» мавзуида тўртинчи семинар-тренинг бошланди.

● МуСТАҚИЛЛИК байрами арафасида «Хоразмқурилиш» қурувчилар жамоаси Урганч давлат университети қошида 4-академик лицей биносини қуриб, фойдаланишга топширишди. 810 ўқувчига мўлжалланган, барча қулайликларга эга замонавий лицей қурилишига 2 миллиард 327 миллион 291 минг сўм маблағ сарфланди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ёшлар Ахборот-ресурс марказида Ватанимиз МуСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

● Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Самарқанд филиалида Адлия бошқармаси, ННТлар, сиёсий партиялар, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари иштирокида «ННТлар фаолият қафолатлари тўғрисида: ютуқлар ва истиқболлар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа туманида ёш ижодкорларнинг анъанавий «Ақчақул илҳомлари» анжумани бўлиб ўтди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Ватанимиз МуСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур анжуманда таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган ёш истеъдод эгалари, ўқувчи ва талабалар иштирок этди.

● «Маънавият» нашриётида Ёшлар йилига бағишлаб «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» деб номланган плакатлар туркуми тайёрланиб, нашрдан чиқарилди.

● Нурота тумани марказида янги деҳқон бозори ишга туширилди. Қурилиш ишларида тадбиркорлар катта ҳисса қўшган янги бозорда икки юзга яқин савдо ўрни яратилди.

● Бухоро шаҳридаги «Дилқушо» спорт мажмуасида теннис бўйича халқаро «Челленжер» турнири бўлиб ўтди. Мукофот жамғармаси 35 минг АҚШ долларига тенг бўлган мусобақада ҳамюртларимиз билан бирга Россия, Бразилия, Украина каби жами 19 та мамлакатдан келган теннисчилар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Покистон Президенти Парвез Мушарраф телевидение орқали чиқиш қилиб, ўзининг истеъфо берганлигини эълон қилди. Яқин кунлар ичида Мушаррафнинг истеъфо ҳақидаги аризаси мамлакат парламенти томонидан қўриб чиқишли керак. Таъкидлаш жоизки, Мушарраф вақтида истеъфо беришга улгуриб қолди. Акс ҳолда Покистон парламентарийлари ташаббуси билан унга нисбатан импичмент эълон қилиниши муқаррар эди.

● Сербия ҳукумати БМТдан Косово масаласида яқиний ҳулоса чиқаришни сўрамоқда. Ушбу масала бўйича Сербия ташқи ишлар вазири Вук Йеремич БМТ Бош ассамблеясига мурожаат этган.

● Исроил парламенти мамлакат қамоқхоналаридаги 200 нафар фаластинлик маҳбуснинг озод этилишини билдирди. Озод этилажак маҳбуслар орасида «Фатх» ҳаракати аъзолари ҳам бор. Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт бу қарорни Фаластин билан тинч алоқаларни ўрнатиш йўлидаги ишончли мустаҳкамлашда дастак дея тавсифламоқда.

● АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс тез орада Польшага ташриф буюриб, ракетга қарши мудофаа келишувини имзолашини айтиди. Битимга мувофиқ, Эроннинг ногаҳоний ҳужумидан ўзини ҳимоя қилиш учун Чехияда радар, Польшада эса ўн та тугувчи ракетга ўрнатилади. Польшага қилинадиган сафардан аввал Райс НАТОда Шимолий Атлантика давлатлари ташқи ишлар вазирига йиғилишига катнашади.

● Кеча Пекин Олимпиадасида россиялик лангардан сакровчи Е.Исинбаева беш метру 05 сантиметрлик натижа кўрсатиб янги жаҳон рекордини ўрнатди.

● Гаитида «Фэй» тўфони оқибатида дарё тошиб кетган ва офат натижасида автобус ҳалокатга учраб, 50 нафарга яқин йўловчи ҳаётдан кўз юмган. Ушбу воқеа автобус Гаити жануби-шарқидида Гранд-Энс музофотида дарёдан ўтаётган вақтда рўй берган.

● Данияда мамлакат тарихида энг йирик ўғирликни амалга оширишда гумон қилинаётган беш киши қўлга олинди. Ушланганларнинг тўрт нафари швед ва биттаси даниялик бўлиб, улар яна бешта шериклари билан 10 августда Копенгаген шаҳри атрофидаги банк сақловидан 60 миллион крон (8 миллион евро атрофида)ги пулни гумдон қилишган.

● Шу йилнинг 1 ноябрь куни Хитойнинг Сичуань музофотидаги космодромдан Венесуэла давлати ўзининг биринчи сунъий йўлдошини самога учиради. Мазкур сунъий йўлдош Хитойнинг «China Great Wall Industry Corp» корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилиб, унга Венесуэла миллий қахрамони Симон Боливар номи берилди.

17 йил МУСТАҚИЛЛИК

Истиқлол — бизнинг борлигимиз,
шону шухратимиз,
эркин ва фаровон
келажакимиз гаровидир



ҲАМИША ФАЙЗЛИ ВА ГАВЖУМ МАСКАН

АЙТИШ ЖОИЗКИ, ТУРМУШИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ РУҲИЙ ЯНГИЛНИШИДА МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒЛАРИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИ БОР. ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИ ҲАМ КЎРКАМ, БАҲАВО, ХУШМАНЗАРА ВА ФАЙЗЛИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИДАН БЎЛИБ, ҲАМИША ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ БИЛАН ГАВЖУМ.

Богда мавсум бошидан бошлаб маданий-маърифий тадбирлар, шоир ва ёзувчилар ҳамда санъаткорлар билан учрашув, аския кечалари, турли хил танлов ва фестиваллар, шунингдек, байрам сайиллари шодиёна тарзда ўтказиб келинмоқда. Бу тадбирларда тумандаги Хуршид, А.Авлоний номида маданият уйлари ҳамда байналмилал маданият марказларининг бадиий жамоалари ўз концерт дастурлари билан иштирок этадилар. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб ўтказилган «Хар бир болага меҳр-эътибор» байрам сайли ҳам катта шодиёнага айланди. Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ташаббуси билан «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» шiori остида ўтказилган кўшиқ байрамнинг шаҳар босқичи ҳам шу богда тантанали тарзда ўтди. Шунингдек, Ёшлар йили муносабати билан «Соғлом ёшлар» лойиҳаси доирасида «Биз соғлом турмуш тарзи учун, бошқа нарсага вақтимиз йўқ!» номида ёшлар ижтимоий акцияси байрам сайли, татар маданият маркази ҳамкорлигида ўтказилган «Сабантўй» каби байрам сайиллари, «Тинглаб, дам оламиз», «Даврани кенгроқ олинг» деб номланган концерт дастурлари дам олувчиларга хуш кайфият улашди. Бундан ташқари богда Ёшлар йилига бағишлаб стол тенниси, тош кўтариш, арқон тортиш, кикбоксинг, шахмат-шашка, футбол бўйича ташкил этилаётган спорт мусобақалари ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида муҳим омили бўлмоқда.

Жорий йилнинг март ва май ойларида богда банд бўлмаган аҳоли ва битирувчи ёшлар учун бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада кўркам ва стандарт билан 26 та корхона 631 та бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Ушбу ярмаркада ишга кириш ниятида бўлган аҳолидан йўлдан олганлар сони 137 нафарни, маслаҳат олганлар сони 62 нафарни ташкил қилди ҳамда 300 дан ортиқ коллеж битирувчилари иш берувчи корхоналар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

— Мана шу богда хар йили ёзинг жазирама иссиқ кунларида оиламиз билан тез-тез келиб мароқли дам оламиз, — дейди тўрт нафар фарзанднинг онаси, етти набиранинг буvisи Ҳалима ая Шомирзаева. — Бизга боғнинг соя-салқинлиги, осийишталлиги, озода ва кўркамлиги жуда ёқибди. Айниқса набираларим болалар ўйингоҳларида мазза қилиб учадилар, қизикари концерт дастурларини томоша қиладилар. Ёзинг иссиқ кунларида шу файзли ва обод масканда маданий хордик чикариб, дилимиз хушнуд бўлиб кайтамиз.

Дарҳақиқат, богда ўтказилаётган турли хил тадбирларда шахримиз аҳолиси ҳамда пойтахтимиз меҳмонлари ҳам иштирок этиб, кўнглили дам олишаётганлигини мамнуният билан билдиришмоқда.

Айни кунларда бог жамоаси Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрамини нишонлаш мақсадида қизгин тараддуд кўришмоқда.

Шифо масканларида

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИ — УСТУВОР МАСАЛА

МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА КЎПЛАБ ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКАЛАР, ШИФОХОНАЛАР, ТУҒРУҚ МАЖМУАЛАРИ БУНЁД ЭТИЛДИ, ЭСКИЛАРИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ, ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА. ШУНИСИ ЭЪТИБОРЛИКИ, ХАЛҚ СОЛОМАТЛИГИ, АЙНИҚСА ОНА-БОЛА СОҒЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДА БИРИГА АЙЛАНДИ.

Бугунги кунда Яккасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли 4 та оилавий поликлиника, 5 та диспансер, 1 та туғруқ мажмуаси, 1 та болалар юқумли касалликлар шифохонаси ва 1 та болалар тиш даволаш поликлиникаси аҳолига самарали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Жумладан, тумандаги 8-сон шахар туғруқ мажмуа эида ҳам она ва бола саломатлигига муҳим эътибор қаратилган. Мазкур мажмуада куну тун аёлларга акушер-гинекологик ва неонатал ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

— 2007 йилда туғруқлар сони камайиб боришини истиқболлаш, ўринлардан самарали фойдаланиш ва улар сонини санитар-гигиеник талабларга мослаштириш мақсадида ўринлар қисқартирилди ва айни вақтда жами 80 ўринни ташкил қилмоқда, — дейди 8-сон шахар туғруқ мажмуаси бош шифоқори, профессор Тоймас Тулаганов. — Мажмуада туғруққа тайёрлаш, 1 ва 2-туғруқ бўлимлари, чақалоклар бўлими, туғруқдан кейинги реабилитация бўлими, гинекология бўлими, жонлангириш бўлими, аёллар мас-

лаҳатхонаси, маслаҳат-ташхис поликлиника ва ёрдамчи хизматлар: марказий зараризлангириш бўлими, тахлилхона, дорихона, ошхона ва бошқа шу каби бўлимлар мавжуд. — Мажмуа қошида имкониятлардан келиб чиққан ҳолда аёлларга акушер-гинекологик ёрдам сифатини ошириш мақсадида Маслаҳат-ташхис поликлиника очилган. Унда юқори малакали акушер-гинеколог, онкогинеколог, болалар ва ўсмир қизлар гинеколог, тери-таносил касалликлари шифоқори, руҳшунос фаолият кўрсатмоқда. Шифоҳонада йилга ўртача 1750 туғруқ қабул қилинади. Бу ерда она ва бола саломатлигини сақлаш йўлида 300 нафар малакали тиббиёт ходимлари ўз билим ва малакаларини ишга солиб, самарали ва тез тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Мажмуа ўз фаолиятини ташхислаш, даволаш, профилактик, реабилитацион, ўқув-услубий, илмий тадқиқотлар ўтказиш йўналишларида олиб боради. Чунончи, мажмуа Тошкент Тиббиёт академиясининг акушерлик ва гинекология кафедраси талабалари, клиник ординаторлари,

Тошкент Тиббиёт-педиатрия институтининг неонатология кафедраси талабалари учун ўқув базаси ҳисобланади ҳамда шахримиздаги Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқувчилари ҳам бу ерда амалиёт ўтайдилар. Мақсадимиз она-бола саломатлигини сақлаш, аёлларнинг бахтиёр она бўлишлариغا кўмаклаш, ёш авлодининг соғлом дунёга келишини таъминлашдан иборат.

Шуни таъкидлаш керакки, мажмуада акушерлик ва гинекология соҳаларидаги барча замонавий ташхислаш ва даволаш жарроҳлик амалиётлари, шу жумладан эндоскопик усуллар бажарилади, туғруқни олиб боришда замонавий технологиялар кенг қўлланилмоқда.

Фарзанд оила қувончи, ота-она бахтидир. Аёлларимизнинг оналик бахтига эришишларида камарбаста бўлаётган мазкур туғруқ мажмуасининг қўли енгил, сўзи ширин шифоқору ҳамширалари ҳақида илиқ сўзлар эшитиб, уларнинг заҳматли ва шарафли меҳнатларига таҳсинлар айтдик.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: ИСТИҚБОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА



МАМЛАКАТИМИЗДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ҲАМДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА. БУНИ ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ МИСОЛИДА ҲАМ КЎРИШИМИЗ МУМКИН. ТУМАНДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЯНГИТДАН ҚАД РОСТЛАГАН МАКТАБ, КОЛЛЕЖ, ЛИЦЕЙЛАР, ЭСКИЛАРИНИНГ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНИБ, ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАГА КИРАЁТГАНЛИГИ ФИКРИМИЗ ДАЛИЛИДИР.

Жумладан, туманда узок йиллардан буён кўплаб истеъдодли ёшларнинг санъатини янада шакллантириб, уларнинг жаҳон саҳналарига чиқишларида, санъат соҳасидаги билимларини оширишда муносиб хисса қўшаётган эстрада — цирк коллежининг улуши бекиётир. Маълумки, мазкур коллеж 1937 йилдан буён шароитлар етарли бўлмаган эски бинода фаолият юритиб келган эди. Мана бугунги кунда таълим масканидан улкан бунёдкорлик, қайта қуриш, таъмирлаш ишлари қизгин бормоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси ва «Метинқурилиш» фирмаси курувчилари томонидан ўтган йил январь ойидан бошлаб ушбу масканда капитал таъмирлаш, қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

— Биз мана шундай замонавий қиёфага кирган коллежга эга бўлганлигимиздан ниҳоятда хурсандимиз, Бунинг учун шаҳар

ЗАМОН ТАЛАБАЛАРИ ДАРАҲАСИДА

ҳокимлигига, бунёдкорларга минддорчилигимизни билдириб, раҳматлар айтамыз, — дейди мазкур коллеж директори Карима Зарипова. — Коллежда айни кунларда пардозлаш ишлари якунига етмоқда, 8 та ўқув хонасига мўлжалланган янги қўшимча бино, катта спорт зал бунёд этилди. Шунингдек, бу ерда физика, химия, биология, ракс зали, цирк санъати зали, алоҳида гримхоналар, кийини хоналари барпо қилинди. Барча хоналаримиз замонавий ўқув жиҳозлари ва мебеллар билан таъминланмоқда. Шунингдек, коллежда ўқувчилар учун ёзги спорт майдони бунёд этилган. Албатта, эндиликда ёшларимизнинг ҳар томонлама чуқур билим эгаллашлари, санъат сирларини мукаммал ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Мана шундай замонавий қиёфага кирган кўркам бинода билим олиш ёшлар қалбини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди. Шуни айтиш жоизки, коллежда 500 ўқувчи таҳсил олади. Уларга ўз соҳасининг етуқ билимдонлари бўлган малакали ўқитувчилар сабоқ беришади. Ўқувчилар ушбу таълим масканини битирганларидан сўнг, цирк, эстрада йўналишида, театр, телевидение, радио ва турли студияларга ишга жойлашадилар, баъзилари олий ўқув юрларида ўқишни давом эттирадилар.

Энг азиз ва улуғ байрамимиз ҳамда янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланган замонавий коллеж биноси туман хуснига кўрк бағишлаб, ёшларни ўз бағрига чорламоқда. «Тўйга тўёна билан» деганларидек, замонавий қиёфага эга бўлган мазкур коллеж биноси Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами ҳамда Ёшлар йилида ёшларимизга муносиб тўёнадир.

Саҳифан Дилором ИКРОМОВА тайёрлади. Ҳақимжон Солиҳов ва Ольга Овчинникова олган суратлар.

Иқтисодиёт

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН СИФАТЛИ ВА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ИЧКИ БОЗОРДА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИНИ ТОПИБ, ХАРИДОРЛАРИ САФИ ҲАМ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

Албатта, бу ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг бозорни ўрганиш асосида харидорлар талаб ва эҳтиёжини қондираётганидан аққол далолатдир.

«Меҳнат ҳалол» шўъба корхонаси ҳам маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритиб, йил сайин жамоада тайёрланаётган маҳсулотлар турлари кўпайиб бормоқда. Янги технологияларни ишлаб чиқаришга қўлаётган тадбиркорлар турли хил бунёдкорлик ашёлари, пўлат куварлар тайёрлашни йўлга қўйишди. Албатта, бу борада юксак нумли хорижий дастгоҳлар қуввати уларга қўл келса, ишчилар малакаси, сифатли хом ашё муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхонада бугунги кунга келиб 80 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Улар металл маҳсулотлари бозоридан тобора ўз ўрнига эга бўлаётганини буюртмалар кўпайиб бораётганидан ҳам сезиш мумкин. Утган йилда жамоада янги линиялар ишга туширилди ва бунинг натижасида пайвандлаш электродлари, қурилиш мixelлари, металл черепица ва улар учун аксессуарлар ҳам тайёрлана бошлади. Асосийси эса ушбу товарлар четдан келтириладиган ҳудди шундай маҳсулотлар билан бемалол рақобатлашиб, ўрнини боса олади. Келгусида яна янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаб, экспортни йўлга қўйишга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

КЎРКАМ ЁРИТТИЧЛАР

БИНО ВА ЙИРИК ИНШООТЛАР КЎРКИНИ ОШИРИШДА, КЎЧА ВА ХИБОНЛАРГА ФАЙЗ БАҒИШЛАШДА ЧИРОЙЛИ ВА БЕЖИРИМ ЁРИТИШ УСКУНАЛАРИ, ТУНГИ ФОНАРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР.

Ҳудди ана шундай маҳсулотлар буюртма асосида шахримизда фаолият кўрсатаётган «NUR EL BIZNES» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилмоқда. Буюртмачи талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ҳамда биноларнинг мезморчилигини ўрганиш ҳолда маҳсулот турлари йил сайин янгиланиб бормоқда, сифати ва кўриниши яхшиланмоқда.

Ҳозирги кунда корхона маҳсулотларининг тури 35 хилдан ортиб кетди ва келгусида яна бир қанча янги товарлар ишлаб чиқариш учун изланишлар давом этмоқда. Яқинда корхонада 2 ва 4 люминисцент лампали кундузги ёриткичлар тайёрлаш йўлга қўйилди ва бугунги кунда мазкур маҳсулотга кўпб буюртмалар тушмоқда.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, корхона тадбиркорлари ўз муваффақиятларини таъминлаш мақсадида изланишлар олиб бориб, маҳсулот тайёрлашда керакли бўлган ишчи хом ашёсини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Улар ҳозир рангли шишалар ишлаб чиқаришга интилоқда ва бу маҳсулот кўринишида, харидор талабини қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, корхонада ҳадемай хонадонларимиз кўркини оширадиган янги дизайндаги қандил ва бралар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Ишлаб чиқариш ҳажми хусусида тўхталадиган бўлсак, ўтган йилда корхонада 36 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг олти ойи давомида 50 миллион сўмлик маҳсулот чиқаришга муваффақ бўлинди. Йил охиригача режалар амалга ошса, ишлаб чиқариш ҳажми янада ортиб, 30 нафар ёшларнинг иш билан таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ЁЗГИ МАКТАБ

ТОШКЕНТДА ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ КЎЗГИСИДА АЁЛ ВА ЭРКАК ТЕНГЛИГИ» МАВЗУСИДА ЁЗГИ МАКТАБ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Маълумки, БМТнинг Ривожланиш Дастури ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Оммавий ахборот воситалари кўзгусида эркак ва аёл тенглиги. Хотин-қизлар ҳуқуқлари эркаклар нигоҳида» мавзусида танлов эълон қилинган эди.

Мазкур танлов БМТ ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг «Ўзбекистон хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш учун институционал (Ташкилий) ва ҳуқуқий салоҳиятни ривожлантириш» дастури доирасида ташкил этилди. Унда 30 ёшгача бўлган журналистика факультети юқори босқич талабалари, магистратура тингловчилари ва ҳаваскор журналистлар иштирок этди. Танловда энг сара ишлар голиб деб топилди. Мана шу танлов голиблари ва совриндорлари ҳамда етакчи ОАВ вакиллари иштирокчида ўтказилган ёзги мактаб ҳам айнан гендер масалаларига бағишланди. Ушбу дастурнинг мақсади CEDAW конвенцияси, унга амал қилиш механизмлари тўғрисидаги билимларни тарқатиш ва жамиятда гендер соҳасидаги ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган. Бунда журналистлар томонидан гендер масаласини ОАВ орқали тўғри ва профессионал тарзда ёрита олиш салоҳияти кўзда тутилди. Танловни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ҳам CEDAW ғоялари тўғрисидаги билимларни аҳоли ўртасида тарғиб этишга кўмаклашаётган жамиятдаги гендерга оид салбий фикрлар — стереотипларни йўқотишга хизмат қилаётган журналистларни танлаб олиш ва рағбатлантиришдан иборат.

— Танловга «Аёлларнинг жамиятдаги фаол иштироки» номи мақолам билан иштирок этганим, — дейди фарғоналик Олтиноя Якубова. — Унда хотин-қизлар ҳаётида учраб турадиган айрим муаммолар, аёлларни жамиятдаги мавқеи қай даражада бўлиши керак? каби мулоҳазалар илгари сурилган. Беш кунлик ўқув семинарда гендер ҳақидаги кўплаб маълумотлар билан бирга журналистикага оид билим ва кўникмаларни орттирдим.


Дарҳақиқат, турли интерактив ўйинлар ва савол-жавоблар тарзида олиб бориладиган семинарда иштирокчилар ўзларига керакли маълумотлар ҳамда билимларга эга бўлди, десак муболаға бўлмайди. Мутахассис Н.Кургановскаянинг таъкидлашча, ўқув жараёнини кўргазмалли қийишлар тарзида олиб борилиши журналистлар учун катта аҳамият касб этади. Бунда улар ўз билимларини яна бир бор такрорлаш, касб маҳоратини ошириш, тажриба алмаштириш имконига эга бўлади.

Қизикари ва кўтаринки руҳда ўтказилган ўқув семинар якунида тингловчиларга сертификатлар топширилди. Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши нафақат фаол журналистларга, балки бу соҳага эндигина қадам қўётган ёш журналистларга катта тажриба мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.

Сурайё МЕЛИКУОВА, «Туркистон-пресс»

Истиқлол илҳомлари

Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири



ВАТАН ДЕСАМ...

Бу дийрнинг айвонлари нурга талов, Бу дийрнинг кайвониси ою кўёш. Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш, Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Тирикликнинг захматлари, тақдирлари, Ҳаётининг бор ҳикмат ҳам тадбирлари, Эй, онамнинг тупроққина тандирлари, Иситгансиз жонларини, жонларини.

Ким Ватанни зар тўнига енг этмишдир, Ким бағрини осмонлардай кенг этмишдир. Яратганинг ўзи бузуи тенг этмишдир Асрларга онларини, онларини.

Бир суворий келмоқдадир — Бобурми ё? Ҳиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кунё. Кўриб келди, бундан сўнг ҳам кўрсин дунё Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу дийрнинг айвонлари нурга талов, Бу дийрнинг кайвониси ою кўёш, Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш, Кўзга суртай нонларини, нонларини.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

Келаверар карвонлар, Кетаверар карвонлар. Қадим Ипак йўлдир бу — Ҳам севинчи, ҳам армонлар.

Йигирма бир асрдир, Бардошу ҳам сабрдир. Халқлар қурган қасрдир — Гоҳ созу гоҳ вайронлар.

Бунчалар кенг бу очун, Бир томони Чин-Мочин. Инсон ёзса қулочин, Фурур бўлган осмонлар.

Чўлмас кўкларга етган. Ўлмас эрklarга етган, Улуғбеклардан кетган Юлдузларга увонлар.

Оврупони, Осиё — Бир қўёш, бир ой — зиё,

Нечун ўтмоқ ҳасад экиб умрларга, Дилни ўраб ғараз, риё — кўмирларга? Ҳавас қилиб яшанг улуг Темуларга, Эл билгайдир шонларини, шонларини.

ТОШКЕНТГА БАҒИШЛОВЛАР

Бу ёруғ дунёда мен нени кўрдим? Тошкент, шаҳар кўриб мен сени кўрдим. Бунда ҳар бир кўча менга дўст, рафиқ, Бунда ҳар бир дарахт онамдай мушфиқ.

Бунча кўп ошиқу оввораларинг, Фақат таскин берар фаввораларинг. Улар бари яқин кўнгалларимга, Улар ўхшар опа-сингалларимга.

Дилни ўзга юртага мойла кўрмадим, Юртсиз бир муродни ҳосил кўрмадим. Қанчалар уммону дарёлар кендим, Анҳор соҳидаида соҳил кўрмадим.

Меҳринг сенга томон бургандай йўлин, Ойлар осмонингда бунчалар тўйин. Сен — мисли безанган тўйхонадирсан, Ой гўё бағринга тушгучи келин.

Дунёда энг азиз кўзу қошлардай, Ҳар бир ҳовлинг менга қариндошлардай. Кўнгалми мунг бўлиб оламга сочсам, Бунга қайтиб келгай қалдирғочлардай.

Сен — Фафур Ғулумнинг ҳаёт қўшиғи, Ойбек, Шайхзоданинг кўнгили эшиғи.

Адолатга, эй дунё, Бағринг бўлсин айвонлар.

Инсоният, маконинг — Ўт ҳам сув тўрт томонинг. Матрифат ҳам қаймонинг Сенга бўлсин қалқонлар.

Биз оламга тикилдик, Гоҳ туриб, гоҳ йиқилдик. Қаддимизни тик қилдик, Келди давру давронлар.

Кун чиқардан чиққан кун Сурхонда тунлар ҳар кун. Ёпонча сўйлар бугун Термиздаги қўрғонлар.

Буюк Ипак йўлдир бу, Минг миллат, бир тилдир бу. Аждодлардан қўлдир бу Авлодларга томонлар.

Шанхайдан бошланган тонг Тошкентда отса не тонг? Олти султон — бир қўрғон, Эзгуликка сорбонлар.

Дунё, сен солгин назар, Манзилларинг бўлгай зар. Абдиятга қадар Тўхтамас бу карвонлар.

КЕЛИБ КЕТМОҚ

Саҳар туриб оламга боқ: жилгалари ровондир, Чарақлаган тоғлар боши шомга бориб тумондир. Тойчоқларинг қаёндиру қулунларинг қаёндир?

Кўрганларинг ўзингники, кўрмаганинг гумондир. Инсон бўлиб бу дунёнинг Бозорини кўрдингми? Зарлари ҳам зорларини

17 МУСТАҚИЛЛИК йил

Бешиқларга тўлсин уйларинг, шаҳрим, Эй улуг зотларнинг мангу бешиги.

Иқболинг билмасин ҳеч ниҳоялар, Тошкент, қўшиқ мени киприқларингга. Шеърларинг бўлгайлар зинаполяр Янги қурилажак кўприқларингга.

УМР

Умр аввал шўх, ўйноқ тоғга ўхшар, Жилга бўлар, сўнгра тошқин сойга ўхшар. Қўёш янглиғ чарақлагай тонг чоғида, Кўклардаги ёмғир ювган ойга ўхшар.

Болалигинг жаннатидир ота уйинг, Унда сенинг бешиқларинг, бешик тўйинг. Қадди эзик отанг бўйи, сенинг бўйинг, Устоз айтгандайин камон, ёйга ўхшар.

Баланд-баланд тоғларингда қоринг бордир, Молинг йўқдир, лекин дилда оринг бордир. Йигитлигинг, гар қаламқош ёринг бордир. Юз минг динор, тиллоси бор бойга ўхшар.

Кўз ўнгингда бозорлари, баҳорлари, Бу дунёнинг гулзорлари, гулёрлари. Утаверар унинг ёғоч тулпорлари, Бу ёни кир, у ёни сир жойга ўхшар.

Изларин ўп яхшиларинг йўлидаги, Ёшлигинг бир оққуш даҳр қўлидаги. Умр асли кекса онанг қўлидаги Соғинч тўла бир пиёла чойга ўхшар.

озорини кўрдингми? Саҳар туриб ўз отангинг мазорига бордингми?

боранларинг ўзингники, Бормаганинг гумондир.

Келиб кетмоқ ўйин эрмас, саёҳат ё зиёрат.

Умр йўли захматлару меҳнатлардан иборат. кўнгалларга кўрдингми бир Кўприк ёки иморат? Қурганларинг ўзингники, кўрмаганинг гумондир.

Атрофингга қараб борсил, Англаб борсил йўлингни, Кўз бўлсанг гар, қароғ деб бил Она юртинг, элингни.

Берил унга эштиқодинг, Меҳринг, жону дилингни, Берганларинг ўзингники, Бермаганинг гумондир.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ СОҲАСИДА АЛОҚАЛАР

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ВА КОРЕЯ КИНОСАНОАТ-ТЕЛЕРАДИО ИНСТИТУТИ ЎРТАСИДА ЎЗARO ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ БОРАСИДА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ.

Кореялик мутахассислар замонавий режиссурадаги тажрибалари хусусида ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўртоқлашди. Шунингдек, машҳур Корея сериаллари «Кич сонатаси», «Куз эртаги»нинг режиссёри Юн Сок Хо иштирокида семинар бўлиб ўтди. Машҳур режиссёр иштирокчиларга замонавий телесериаллар жанри, уларни суратга олишда ўзи эътибор қаратадиган жиҳатлар, суратга олиш вақти ва жараёни хусусида батафсил сўзлаб берди.

Корея телеишлаб чиқаришидаги бошқа муҳим жиҳатлар хусусида эса продюсерлар И Чан Су ва И Хон Ги атрофида маълумот берди. Корея киносаҳна-телерадио институти давлат ташкилоти ҳисобланиб, Корея телерадио соҳаси ва киносоҳани кўллаб-қувватлаш, юқори сифатли дастурлар ишлаб чиқариш борасида фаолият юритади. 2007 йилдан ташкилотнинг сайё-ҳаракати боис, қатор давлатлар Монголия, Вьетнам, Филиппин ва Хитой билан телевидение соҳасида кенг қўламадаги ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ўзбекистон билан имзоланган битим доирасида эса, мамлакатимиз телерадиокомпанияси ва кореялик соҳа мутахассислари биргаликда ҳужжатли фильмлар суратга олишни режалаштиришган. Бу фильмлар 60 минутта мўлжалланган бўлиб асосан, маданият, туризм, табиий ресурслар, тарих қабиларни ўз ичига қамраб олади.

«Туркистон-пресс»

Транспорт

САМАРАЛИ ИШЛАР АКС ЭТДИ

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА КўРИЛАётган ТАДБИРЛАР ЎЗ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.

Бунда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Йўловчи ташиш транспорти турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм ҳам суратга олинди. Бу экран аса-рида ҳайдовчи ва транспорт воситаларининг ҳолати тас-вирига туширилган бўлиб, йўловчи ташиш талаб ва қоида-ларига риоя қилишга оид лавҳалар ҳам бор.

«ИСУЗУ»ЛАР СЕНИ КЎПАЙДИ

«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИГА ҚАРАШЛИ «12-АВТОБУС САРОЙИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАСАРРУФИДА КўПГИНА ЗАМОНАВИЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ БОР.

Харид қилинган «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар ёрдамида ҳам намунали хизмат кўрсатишмоқда.

Саройнинг транспорт тарихи «Исузу» русумли мўъжаз автобуслар ҳисобига янада кенгайди. Мавжуд 30 та «Исузу»лар 47, 104-автобус йўналишларида қатнаб, йўловчи-лар узоғини яқин қилмоқда.

ФАҲРЛИ НОМ ЭГАЛАРИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИДА КўП ЙИЛЛИК САМАРАЛИ МЕҲНАТИ БИЛАН ЯХШИ ТАНИЛГАН ТРАНСПОРТЧИЛАР КўП.

Ўз касбини эъзозлаб келаётган бундай илғорлардан бир гуруҳи яқинда муносиб тақдирланди.

Электроташкилот хизматининг катта электромеханиги Владимир Кузьмин, ижтимоий ривожлантириш ва ходим-лар бўлими бошлиғи Рустамжон Зиёевлар эса «Тошкент транспорт фахрий ходими» нишонига эга бўдилар.

Тиббиёт

ТИББИЁТ ЭЛЕКТРОНИКАСИ МАРКАЗИ

ТИББИЁТ ЭЛЕКТРОНИКАСИ ДЕГАН ИБОРА АЛОҚА СОҲАСИДА ТЕЗ-ТЕЗ ТИЛГА ОЛИНАДИГАН БўЛИБ ҚОЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН РАДИОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОНИКА ВА АЛОҚА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИ АНА ШУ йўналишни РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТМОҚДА.

Тиббиёт электроникаси марказининг ташкил топиши ҳам айна мудоао бўлди. Марказ соғлиқни сақлаш тизими-да фойдаланиладиган дастурий таъминотни яратиш мақсадида яна қатор изланишларга қўл урди. Тиббиёт аппаратура ва ускуналарини қиёслаш ҳамда таъмирлаш-га оид техник тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бера бошлади. Бу жараён тиббиёт асбоб-ускуналарининг маълумотлар базасини яратиш дастури доирасида олиб бори-лмоқда.

ИЗЛАНУВЧАН ТАЛАБАЛАР

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР УЧУН СТИПЕНДИЯЛАР ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ИСТЕЪДОДЛИ ТОЛИБИ ИЛМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АЙЖУМАНЛАРИНИ УЮШТИРИШ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

Бундай таълим грантларини қўлга кийратган ёшлар ўз ишлари билан фаол қатнашмоқдалар. Навбатдаги илмий конференцияда Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти-нинг изланувчан талабаси Руслан Юсуповнинг ҳужайра-лар фаолиятига оид «Апантоз» жараёни ҳақида ҳикоя қилувчи тадқиқоти юқори баҳоланди ҳамда маърузалар тўпламида чоп этилди.

МЕНЕЖЕРЛАР ЎҚУВИ

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАётган ИҚТИСОДИЁТЧИ ВА БУХГАЛТЕРЛАРНИ МЕНЕЖМЕНТЛИК БўЙИЧА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузу-рида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари-нинг менежерлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни ташкил этиш ўқув курсини яқинда 50 нафардан ортик мутахассис тамомлади.

Акбар АЛИЕВ

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

ТОШКЕНТДА «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ ВА ХИТОЙНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ХАМКОРЛИГИДА «ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИДА» МАВЗУСИДА ТАДБИР БўЛИБ ўТДИ.

— Тадбирда асосий эътибор Хитой ҳуку-матининг Пекин олимпиадасига тайёргар-лик чоғида экологик муаммоларни барта-раф этишдаги тажрибасини ўрганишга қарати-лди, — дейди «Экосан» халқаро ташки-лоти раиси Юсуфжон Шодиметов. — Олим-пиада-2008 мусобақаларига тайёргарлик жараёнида хитойликлар атроф-муҳит муҳо-фазасини биринчи ўринга қўйишди, турли спорт тадбирларида экологик муаммолар-ни бартараф этишга алоҳида урғу берилди.

Тадбирда Хитой элчихонасининг вакили Чжан Вэйнинг таъкидлашича, Хитойда улайиб келаётган авлод эътиборини ма-млакатнинг барқарор ривожланишига қарати-ш баробарида, иктисодиётда муҳим аҳами-ят касб этадиган экологик муаммоларни ечишга ҳам давлат сиёсати даражасида эътибор берилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг барқарор ривожига эътибор қаратишаркан, бу бора-да экология соҳасидаги алоқалар салмоқли ўрин эгаллашсини эътироф этишди. Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳо-фазасига қаратилган ўттизга яқин қонун ва қонунчилик ҳужжатлари амал қилмоқда. Аҳолининг барча қатламини экологик му-аммоларни бартараф этишга жалб қилиш йўлида ҳам қатор ишлар амалга оширил-моқда. Жумладан, биргина «Экосан» халқ-ро ташкилоти томонидан 1997 йилдан буён ташкилот ва корхоналар жамоаси иштиро-кида экологик хашар мунтазам ўтказиб ке-линади. Ҳар уч ойда анъанавий ўтадиган бу хашарларда мамлакатимизнинг ўн милли-онга яқин аҳолиси иштирок этади. Шунинг-дек, анъанавий тарзда ўтказиб келинади-ган экология марафонини жорий йилда Тош-кент шаҳрида бўлиб ўтади.

— Мамлакатларимиз атроф-муҳитни му-ҳофаза қилиш соҳасида биргаликда иш олиб боришса, бу йўлда эришилган ютуқ-лар, олимлар ва мутахассислар изланиш-ларини бирлаштириш кўп нарсага эришил-ди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академия-си академиги, профессор Бек Тожмухам-медов. — Чунки, ҳар иккала давлатни таш-вишга солиб келаётган экологик муаммо-лар дярли бир хил. Айтайлик, бу ҳамкор-лик сув танқислиги, демографик муаммо-ларни бартараф этиш йўлидаги муҳим кадам бўлади.

Тадбирда экологик соҳадаги ҳамкорлик борасида нодавлат ва нотижорат ташкилот-лар ўртасидаги алоқани ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутушни таъкидланди.

«Туркистон-пресс»

КўРИБ ҲАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ

Айниқса байрам арафасида шахримиз гўзаллашиб кетади. Бугун пойтахтимизнинг қайси маҳалласи, кўчаси, бурчагига борманг Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига қизғин тайёргарлик бораётганлигининг гувоҳи бўла-сиз. Шундай сайё-ҳаракатлар боис Тошкен-тимиз янада кўркам ва обод бўлиб бормоқ-да. Зеро бизда, қадимдан тўйга тўёна билан боришдек чиройли удум бор. Буни яхши ан-глаган юртдошларимиз энг улуг, энг азиз байрамимизга муносиб тўхта билан бориш фақри зикри билан банд. Юрт ободлиги ва тўкинлиги йўлида фидойи бўлган бундай ин-сонларга ҳар қанча тасаннолар айтсанг оз. Уларнинг тинимсиз меҳнати эвазига қул-ларимиз файзли, кечаларимиз нурафшон бўлиб бормоқда.

Шундай долзарб пайтларда кўпни кўрган нуруний қарияларнинг ҳам уйда қўл қовуш-тириб ўтиргиси келмайди, кўчага шошилади, шахримизда бўлаётган ўзгаришлар, англик-

кирувчиларни қўлига асо тутган Навоий бо-бомиз гўё қўтлаб тургандек. Чўмилиш ҳавза-лари атрофи ҳам жамоман янгиланган. Соя-салқин соябонлар, офтобда тобланувчилар учун махсус ўриндиклар, кийиниш-ечиниш хоналари, душхоналар, кўча музқаймоқ, эн-гил таом хоналари, кўйинчи бир олам ўзга-ришлар. Дам олувчиларга хизмат кўрсатаёт-ган моторли қайиқларнинг тинимсиз ҳарака-тидан мовий кўл мавжланиб кўзни олади.

Чор атрофни кеза-кеза қўл ўртасида қад кўтарган ошхонада бир пиёла чой ичиб та-мадди қилиш мақсадида шу ерга ташриф бу-юрдик. Унг томондан жой олган нуруний ота-хонлар дарҳол бизни ўз давраларига чо-рлашди. Улар билан танишиб қизгин сўхба-тлашдик. Хаммалари бугунги дорилмомон кун-ларга шўқроналар айтиб, юрт ободлиги йўли-да фидойи бўлган инсонлар шаянги раҳ-матлар ёғдиришди. Зеро, бу ниятда қўл оч-ган қарияларнинг бугунги хис- туйғулари, юрт ободлиги йўлидаги барча-барча қувончу шод-ликларини биргина мана шу гўзал маскан, Тошкентимиз кўрқига янада файз бағишлаб

бир-икки кун тунаб қолишга қарор қилади.

Кечки дастурхон атрофидан меҳмон ҳур-мати тузфайли уч-тўрт қўшилар ҳам жой оли-шади. Шунда улардан бири отахонини икки кундан кейин бўладиган тўйига тақлиф қи-лади. Қодирали ота тўйда қатнашишга ваъда беради. Албатта, тўйга қуруқ қўл билан бо-риш ноқулай. Шу дамба отахоннинг хаёлига бугун сотган қовун-тарвузи келади. Эҳ аттанг, олдирок бўлганида ундан беш-ўнтасини олиб шу йилгитга тўёна сифатида тақдим этарди. Хали ҳам кеч эмас. Албатта ўша ишбилармон қовун-тарвузини бир кунда сотиб улғура ол-майди. Шундай экан, эрта бориб, ундан май-ли уч-тўрт сўм ортигига бўлса ҳам кераклича харид қилиб тўй эгасига тўхта этишни дилига тугиб қўяди.

Нонуштадан сўнг отахон бозор айланаман, деб, белбоғига тукан пулидан кераклисини ажратиб йўлга чиқади. Тўри бозорга келиб кечаги харидорини излаб топайди. Ишбилар-мон сотувчи ота билан истамайгина сўрлаша-ди.

— Қалай, чакқон кетаяптими? Ишқилиб, берган пулингизга рози бўлаяписми, —

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

лардан бохабар бўлгимиз келади. Шу анъа-нага биноан кучи кеча биз ҳам шаҳар кез-дик. Оламшумул ўзгаришларни кўриб қувон-дик. Ҳар қадамда бир англик.

Ниҳоят ҳориб-чарчаб, гўзал масканлари-миздан бири Ҳазрат Навоий номи билан атал-ган миллий богга кириб ҳордик чиқаришга чоғландик. Анчадан бери бу ерда бўлмаган-дик. Утган вақт мобайнида бог шу қадар гўзал-лашиб кетибдики, таърифига тил ожиз. Бог-нинг бугунги қиёфасини кўрган кишининг завқ-шаъки келади. Тўрт томонингиз аши-лик оламига бурканган. Уртада катта бир ден-гиздек мовий қўл чайқалиб турибди. Сира-сини айтганда, эски богдан бизга мерос бўлиб мана шу қўл қолибди ҳисоб. Қолгани тама-ман янги, Эски бинолар, ошхоналар ўрнида бежирим, бугунги кун талабига мос очик дам олиш масканлари файз тўкиб турибди. Хо-ллаган киши у ерга кириб энгил таом тановул қилиб, бир пиёла чой ичиб, теварак-атроф-даги гўзалликлардан баҳраманд бўлиши мум-кин.

Айниқса боғнинг кенгайганлиги кишини қувонтиради. У бугун Истиқлол саройидан тортиб, Олий Мажлис биноси чор атрофла-рини қамраб олган. Тўрт томондан богга ки-риш йўли мавжуд. Энди ташриф буорувчи-лар олдингидек боғнинг икки томон эшиги-ни қидирмай, хоҳлаган томонларидан бу мас-канга кириб келаверадилар. Сарой томондан

БАҲОСИ ЁҚМАСА БОШҚАСИДАН ОЛИНГ

Бозор айланган кишининг қўлига «ин-соф» деган сўз тез-тез чалинади. Сабаби, кўнчилик харидорлар мўмай даромадни қўлаб бири иккига пуллаётган олибсотарларни (ҳозир уларнинг номи ишбилармон тадбир-кор) шундай сўз билан инсофга чақириб ту-ришади. Бу сохта тадбиркорлар орасида на-фақат инсоф, ҳатто виждонини ютганлар ҳам топилдики, улардан алқазар. Бир дўстимиз шундайлар ҳақида қизик бир воқеани айтиб берди.

Сирдарёлик бободехқон Қодирали ота ўзига қарашли томорқасида етиштирган қовун-тарвузларни сотиб, пул қилиш ниятида катта бир машинага юклаб бозорга келади. Хали махсулот машинадан тўймай туриб «ишби-лармонлар» (бу сафар олибсотар дейишга ти-лимиз бормади) уни қуршаб олишади, отани у томон, бу томон тортиб кўтара дона байига (донасини ўртача етти юз сўм белгилашиб) сотишга кўндиришади.

Отахон савдо-сотикни қилиб, тушган даро-маддан оиласига керакли нарсаларни харид қилиш учун шу шаҳарда яшовчи ўғлиниқида

сўрайди ота.

— Ҳа, энди ўртачада, — деб жавоб беради у норозикор оҳангда.

— Ўзимиз сотган қовун-тарвуздан ўн-ўн бештасига зарурий тугилиб қолди. Шунга ол-дингизга келдим, — дейди ота ийманиб. — Инсоф билан берарсиз?

— Қани танлангичи... Отахон сиз ҳам, кабоб ҳам қуймасин деб ўртача катталликдаги ўнта қовун, ўнта тарвузини ажратади.

— Неча пул берай? — Сизга нима дердим. Ҳар биттасига бир ярим минг сўмдан санаб бераверинг.

Отахон сотувчининг бу сузидан ҳайратла-ниб дейди.

— Кеча ўзим етти юздан сотиб, бугун бир ярим минг сўмдан санаб берсам қандай бўлар-кин? Инсоф бўлганда, ҳеч бўлмаса минг сўмдан сўранг.

— Бу ер бозор ота. Кеча махсулот сизники эди, бугун меники. Шундай экан истаган нар-ҳида сотавераман. Баҳоси сизга ёқмаса ана бошқалардан олаверинг.

Бошқа гапга ҳоҷат йўқ эди. Отахон инда-май кетди. Унинг лаблари пичирларди. Та-ва, шу қадар юзсизлик, инсофсизлик бўлади-ми, ўз махсулотингни ўзингга икки баробар ортигига пулласалар. «Инсофсиздан инсоф ти-лама» деб беҳиз айтмаган эканларда.

Биз ҳам инсофсизга инсоф берсин, деган ниятда шу ерда гапга нукта қўйдик.

03-03 ЎРГАНИШ

Домо бўлу...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ОГАХИЙ ХИКМАТЛАР

Хар кишиким арра ёнглиг бўлса бадхўю дурушт, Дахри дун элтар они авжи самога син киби.

Солғуси гардун паришонлиг наботун наъшдек, Тузса мажлис дўстлар ногаҳ агар парвин киби.

Ростравлик, Огахий, солмиш сани рухдек қироқ, Курби шаҳ топгай эдинг, кажрав эсанг фарзин киби.

Сунъи ҳақ асроридин вофиқ бўлур, гар айласа Чашми ибратбин очиб, аснофи ашё сайрини.

Еткурур куб суд дунё сайри ул сайёрга — Ким, суруб раҳши тафаккур қилса уқбо сайрини.

Файзлар бу борчадин ортиқ топар, гар айласа Яъс аро қолгон дили маҳзуну шайдо сайрини.

Гулшани роҳатдурур факру қаноат гўшаси, Қилмоғунча лек не билсун киши то сайрини.

Айлагил, эй гул, вафо булбулғаким, беш кун сани Гардиши гардун бу гулшан ичра меҳмон айлади.

Бўлмаса аҳбоб базми, айш асбобига харж Киссада маҳбус бўлгон сийм ила зарни нетай?

Хамуш ўл — жоҳ истаб, сўзда кўргузма хунар, кўргил — Ки, жоҳ аҳли жаҳонда бехунардураксар, эй тўти.

Қасди юз очиб, айламак элни асири доми ишк, Зулфи сиёҳин урмаки шўхлари баҳонаси.

Дахр тарабгаҳи баса дилкашу хўб эрур, вале, Хайфки, йўқтурур онинг ишрати жовидонаси.



ШАХРИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН БАРКАМОЛ, ВАТАНПАРВАР ВА МУСТАҚИЛ ЮРТИГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИДА МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИНИНГ СЕРГЕЛИ ТУМАН БЎЛИМИНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР АЛБАТТА.

2008—Ёшлар йили

ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Ўсмир-ёшлар, бўлғуси Ватан посбонларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш, спортнинг техник ва амалий турлари билан яқиндан таништириш каби бир қатор хайрли ишларга бош қoш бўлиб келаятган «Ватанпарвар» ташкилоти айни ёзги таътилда мактаблар қошидаги оромгоҳларда мазза қилиб дам олаётган ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли қизиқарли тадбирларни ўтказиб келмоқда. Хусусан, тумандаги 7-, 47-, 301-мактабларда ўтказилган «Кўчма тир», «Диққат, пиёда», «Йўл қоидаси — умр фойдаси» ва сузиш, югуриш ҳамда «Мерганлик» бўйича мусобақалар қатнашчиларда катта таассурот қолдирганиги билан эътиборга моликдир.

— Ёзги таътил даврида ўқувчи-ёшларнинг оромгоҳларда мазмунли ва яхши ҳордиқ чиқаришлари учун Сергели туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими билан биргаликда спортнинг техник ва амалий турларидан ўқ отиш, ёзги биатлон ва бошқа энгил турлари бўйича қизиқарли мусобақалар ўтказилди, — дейди биз билан суҳбатда МК «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели туман бўлими раиси Санобар Маматова. — Айниқса 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде сузиш ва югуриш бўйича ўтказилган мусобақалар ёшларга маъқул бўлиб барча болажонлар яйраб иштирок этишди. Мусобақаларда 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган голиб ва совриндорлар эса туман Кенгашиимиз томонидан Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шуниси эътиборга моликки ушбу мусобақаларни ўтказишда аввало болажонларнинг хавфсизлигини таъминлашга эътиборни қаратган ҳолда ҳар бир тадбирнинг спортчи мураббий ва ҳакамларни йўриқчи-услугачилар ҳамда керакли спорт анжонлари (пнев-

Маданият масканларида

ЎЗБЕК САНЪАТИНИНГ ДУРДОНАСИ

ЮРТИМИЗДА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ТИКЛАШ, АҲДОДЛАРИМИЗНИНГ БЕТАҚРОР МЕРОСINI ЎРГАНИШ, ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕК САНЪАТИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА УЛАРГА КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТИШ, ЁШЛАРНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА ШАХРИМИЗНИНГ СЎЛИМ ВА КЎРКАМ МАСКАНЛАРИДАН БЎЛМИШ ФАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «МАЪНАВИЯТ ГУЛШАНИ» ДАВРАСИ ҲАР ОЙДА БИР МАРОТАБА ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Мазкур давра Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Боғда яқинда Истиклолимизнинг 17 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган навбатдаги «Маънавият гулшани» давраси «Аждодлар мероси — олтин мерос» туркумидаги «Мақом ўзбек санъати дурдонаси» мавзусидаги адабий-муסיқий анжуманга санъатимиз даргалари, мақом санъати усталари ва мухлислари ийғилдилар. Даврани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эрқу-

лова олиб борди. Тадбирда Юнус Ражабий номидаги республика «Мақом» дастасининг ижодий жамоаси, шунингдек, юртимизнинг сеvimли мақом усталари — Ўзбекистон халқ ҳофизии Ҳасан Ражабий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Рўзиматов, Ўзбекистон халқ артистлари Исроилов ва Исмоилов Ваҳобовлар, хонанда Озода Ерова ўз дастурлари билан иштирок этдилар. Дастур меҳмонлари Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова ва Абулқосим Тўйчиевлар мақом усталари бўлган устоз санъаткорлар босиб ўтган йўл, уларнинг серқирра ижодлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Дилларни ҳаяжонга солувчи сеvimли хонандаларимиз томонидан мақом йўналишида айтилган дилбар куй-қўшиқлар ийғилганларга бир олам завқ ва ором бахш этди.

Умид ҒОҒУРОВ
СУРАТДА: «Маънавият гулшани» давраисидан лавҳа.

ОРОЛБЎЙИГА НАВБАТДАГИ САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ

ТОШКЕНТ ШИМОЛИЙ ТЕМИРЎЛ ВОКЗАЛИДАН ОРОЛ БЎЙИ МИНТАҚАСИ АҲОЛИСИ УЧУН ЖЎНАТИЛГАН САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ ЎЗ МАНЗИЛИГА ЕТИБ КЕЛДИ.

Тошкент-Тўртқўл-Мискент-Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланувчи мазкур поезд «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағфармаси», «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат Ақционерлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тошкент «Ёмий» комбинати қўшма корхонаси, АҚШнинг «АмериКерс» халқаро хайрия жағфармаси ҳамда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ҳомийлигида тақдим этилган 8814815 сўмга яқин озик-овқат, кийим-кечак ва 113000 АҚШ доллари миқдоридеги дори-дармон ва тиббиёт анжонлари, санитария-гигиена воситалари, ногиронлик аравачалари ҳамда хассалардан ташкил топган мурувват юки жойлардаги ёрдамчи мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига тақдим этилаётир.

— Тадбир ижтимоий Ҳимоюга муҳтож аҳоли айниқса, аёллар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш ҳамда мурувват ҳаракатини янада ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир, — дейди «Соғлом авлод» жағфармаси Тошкент шаҳар раҳбари Маҳбуба Маҳкамбоева. — Саломатлик кунлари давомида мутахассислар ногирон болалар, хотин-қизлар, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилаларни тиббий кўриқдан ўтказиш, шу билан бирга аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Гулбаҳор ҚОБУЛОВА
«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидега бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этди!

2008 йил 9 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан куйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда.

1. ЖИБ Юнусобод туман судининг 11.12.2007 йилдаги 1-949/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлимида сақланаётган, «Нексия» русумли, д/р 10С8888 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 038 460 сўм.

2. ФИБ Учтепа туманлараро судининг 18.02.2008 йилдаги 1-983/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 11-масканида сақланаётган, «Mitsubishi 3000GT» русумли, д/р 10Н0933 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 42 000 000 сўм.

3. ФИБ Учтепа туманлараро судининг 13.12.2007 йилдаги 1-22521/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 11-масканида сақланаётган, «Jeep Land Rover» русумли, д/р йўк, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.

4. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.12.2007 йилдаги ЖСК-1-629/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ 10-жарима майдонига сақланаётган, «ИЖ 2715» русумли, д/р 30Е8055 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 000 000 сўм.

5. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 08.11.2007 йилдаги ЖСК-1-583/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ 10-жарима майдонига сақланаётган, «БМВ» русумли, д/р йўк, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 000 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалари қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекбанк» С.Раҳимов ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ТШФ:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., Осиё кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rtkmb.uz

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ С.Ҳ.СИРОЖИДДИНОВ НОМЛИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ҚУЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

- 1.Информатика фани ўқитувчиси
- 2.Математика фани ўқитувчиси
- 3.Физика фани ўқитувчиси
- 4.Иқтисодийёт асослари фани ўқитувчиси
- 5.Ҳозирги ўзбек адабий тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Кўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз: Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-мавзе, 33-уй.

Телефонлар: 278-78-76, 278-86-49, 273-91-34.

Мўлжал: 116, 131-автобуслар, 33,20,9,10-машрутли таксиларнинг «Чўпон ота» бека-ти.

Футбол

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН 16-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ШАХРИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН ЖАМОАЛАРГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Турнир жадвалида карвонбошилиқ қилаётган «Бунёдкор» жамоаси Бекободда «Металлург» клуби меҳмони бўлди. Шунга таъкидлаш жоизки, пешқадам жамоа билан тенгма-тенг ўйнашга ҳаракат қилган майдон эгалари ҳар қанча уринишмасин, маҳорат ва тажриба бобида Миржалол Қосимов шоғирдларига бас кела олишмади. 90 дақиқа давомида мурасасиз кечган ўйин меҳмонларнинг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Дарвозага голларни «Металлург»дан Фозилов, «Бунёдкор»дан Бақоев ва Вильянуэвалар йўллашди.

«Бунёдкор» билан турнир жадвалида изма-из бораётган Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги амалдаги чемпион жамоа «Пахтакор» ўз майдонига Жиззахнинг «Сўғдиёна» командасига қарши тўп суриб меҳмонларни йирик ҳисобда мағлуб эта олди. Учрашув давомида «Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар еттига голнинг гувоҳи бўлишди.

Тошкентликларнинг тўла устунлигида ўтган учрашув 7:1 ҳисобида нўҳосига етди. Шу кунги мухлислар пахтакорчиқлардан Зайниддин Тожиёв (учта), Мағдиев (иккита) Пинду ҳамда Жиззахликлардан Шаҳбоз Эрқинов томонидан дарвозаларга қиритилган чиройли голларни томоша қилишга муваффақ бўлишди.

Шаҳримизнинг яна бир жамоаси «Локомотив» ҳам бу сафар ўз мухлислари кўнглини шод этди. Ўз майдонларида Зарафшоннинг «Кизилкум» жамоасига қарши ғалаба умидида тўп сурган темирйўлчилар шиддатли ҳужумларга бой, қизиқарли ўтган баҳсда 2:1 ҳисобида зафар қўчиб муҳим очколарни қўлга киритишди. Дарвозаларни «Локомотив»дан Манзуков, Идиатуллин, «Кизилкум»дан Федеренковлар аниқ нишонга олишди.

Мамлакат XVI миллий чемпионатининг 18-тур беллашувлари 23, 24 август кунлари бўлиб ўтади. (Ўз мухбиримиз)

«Тошкентгазтаъминоти» унитар корхонасининг «ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» филиали шахримиз аҳолиси ва меҳмонларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллик байрами билан

ТАБРИКЛАЙДИ

ва қуйидагиларни эслатиб ўтади: — Газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг.

— Ностандарт газ асбобларидан фойдаланиш, газ асбобларини газ таъминоти тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш, резина ичаклар орқали улаш ҳолатлари газдан бўғилиш, захарланиш, ёнгин ва портлаш каби бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Газ асбобларини харид қилиш, ўрнатиш ва таъмирлаш масалалари бўйича тумангаз мутахассисларига мурожаат қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария диспетчерлик хизматига ёки марказий авария диспетчерлик хизматига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

04; 255-44-27; 255-44-29; 253-56-19; 253-56-31.

Газ ходими етиб келгунга қадар газ жўмрагини беркитинг, эшик, деразаларни очиб хонани шамоллатинг. Гугурт ёқманг, электр асбоблардан фойдаланманг, электр чироқларини ёқманг, ёниб турганларини ўчирманг!

Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш — шахримиз газ қувурлари ва ускуналарини ўз вақтида таъмирлаш ишларини бажаришга имконият яратади.

ҲАМИША ХОНАДОНИНГИЗНИ ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМИК ТАРК ЭТМАСИН, ХУРСАНДЧИЛИК ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!
«ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
2008 йил 30 АВГУСТДАН БОШЛАБ
2008-2009 йилги МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ!
2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА
РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР
ДАСТУРДАН: ўргатилган хайвонлар, масҳарабозлар, жонгёрлар, ҳаво гимнастларининг чиқишлари ва бошқа кўплаб аттракционлар ўрин олган.
Томошалар шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.
Ҳақ ҳар хил усулда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгашига Назорат қилувчи органлар томонидан Сизнинг фаолиятингизга асосан, ноқонуний ва ноўрин текширишлар бўйича қуйидаги ишонч телефонига мурожаат қилишингиз мумкин: 150-31-01.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босялади.
3200 нусхада босялди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босяохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6